

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАБИБУЛЛАЕВА ФЕРУЗА КАЗИМЖАНОВНА**

**МИЛЛИЙ ЎЗИГА ХОСЛИКНИ ҚАЙТА ЯРАТИШ  
ТАРЖИМА АДЕКВАТЛИГИ МЕЗОНИ СИФАТИДА  
(«Ўткан кунлар» романининг рус тилида таржималари мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик  
ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020 йил**

**Филология фани бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) on philological  
sciences**

**Хабибуллаева Феруза Казимжановна**

Миллий ўзига хосликни қайта яратиш таржима адекватлиги мезони сифатида («Ўткан кунлар» романининг рус тилида таржималари мисолида) ..... 3

**Хабибуллаева Феруза Казимжановна**

Воссоздание национального своеобразия как критерий адекватности перевода (на примере русских переводов романа «Минувшие дни») .... 23

**Habibullayeva Feruza Kazymjanovna**

Recreation of national originality as a criterion of adequate translation (on the example of russian translations of the novel «Days gone by») ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАБИБУЛЛАЕВА ФЕРУЗА КАЗИМЖАНОВНА**

**МИЛЛИЙ ЎЗИГА ХОСЛИКНИ ҚАЙТА ЯРАТИШ  
ТАРЖИМА АДЕКВАТЛИГИ МЕЗОНИ СИФАТИДА  
(«Ўткан кунлар» романининг рус тилида таржималари мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик  
ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020 йил**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Fil1468 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасининг [www.nuu.uz](http://www.nuu.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар**

**Қуронов Дилмурод Хайдаралиевич**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Қосимов Абдугофир Абдукаримович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Камилова Саодат Эргашевна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етақчи ташкилот:**

**Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 йил соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400 уй. Тел: (99871) 246-08-62; (99871) 227-10-59; факс: (99871)246-65-24 e-mail: [nauka@nuu.uz](mailto:nauka@nuu.uz). Ўзбекистон Миллий университети, Хорижий филология факультети (1-қават, 112-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_) рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400 уй. Тел: (99871) 246-08-62.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_куни тарқатилди.

(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Г.Шереметьева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф.д., профессор

**Г.С.Курбанова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**И.А. Сиддиқова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол. ф.д., профессор

## КИРИШ(фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон таржима назариясида бадий таржиманинг аслиятга мувофиқлиги масаласига қизиқиш сўнгги йилларда глобализациянинг чуқурлашуви, хусусан, унинг маданиятлар қоришувида намоён бўлиши натижасида кучайди. Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви жараёнида «Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз»<sup>1</sup>. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ўзаро маънавий ва маданий бойитишга хизмат қиладиган халқаро дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш жараёнларида бадий таржима улкан аҳамият касб этмоқда.

Дунё таржимашунослигида бадий таржиманинг аслиятга мувофиқлиги масаласи бугунги кунда ҳам долзарблигича қолмоқда. Лингвистик таржима назарияси тил воситаларининг муқобиллигига диққат қаратгани ҳолда, аксарият бу воситаларнинг воқелик билан алоқасини, бадий таржиманинг ташқи (экстралингвистик) алоқаларини кўздан қочирадиган. Бундай ёндашувни жаҳон ҳамжамиятининг ҳозирги тараққиёт босқичида, миллий ўзига хосликни сақлаш масаласи долзарблаган бир пайтда қониқарли деб бўлмайди. Шу сабабдан таржима сифатини баҳолаш меъёрларини қайта кўриб чиқиш, таржима амалиётини ўзининг бош вазифаси – турли маданиятлар ўртасида кўприк бўлиш томон йўналтириш тақозо қилинмоқда. Буни айнан китобхонда қизиқиш уйғотадиган хусусият – аслиятнинг миллий ўзига хослигини таржимада қайта яратиш орқалигина амалга ошириш мумкин.

Ўзбек адабиёти намуналарини бошқа тилларга таржима қилишда миллий ўзига хосликни қайта яратиш бугунги глобаллашув шароитида ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда. Бадий таржиманинг, жумладан, ўзбек тилидан рус тилига таржималарнинг герменевтик жиҳатлари етарли ўрганилмаганлиги ҳамда бадий матннинг аслиятга мувофиқлиги тушунчасини соҳалараро аспектда қайта кўриб чиқиш зарурати ушбу тадқиқотнинг долзарблигини асослайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – С. 14.

янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909 сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 610-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Таржиманинг аслиятга мувофиқлиги масаласи мамлакатимиз ва чет эл таржимашунослигида<sup>2</sup>, хусусан, Ф.Шлейермахер, А.В.Федоров, И.А.Кашкин, К.И.Чуковский, Л.С.Бархударов, Вл.Россельс, В.Н.Комиссаров, Г.Гачечеладзе, Я.И.Рецкер, М.Рыльский, А.Д.Швейцер, Ю.В.Ванников, С.Влахов, С.Флорин, Санжар Сиддиқ, И.Султонов, Г.Гафурова, А.Умаров, Ғ.Саломов, Н.В.Владимирова, Э.Каримов, К.Жўраев, С.Э.Камилова ишларида кўриб чиқилган. Бадиий матн таржимасининг адекватлиги масаласига олимларнинг алоҳида эътиборига

<sup>2</sup> См. работы: Ф.Шлейермахер. Герменевтика. Спб. «Европейский дом», 2004; Ф.Шлейермахер. О разных методах перевода; А.В.Федоров. Введение в теорию перевода – М., Изд-во: «Высшая школа», 1953; А.В.Федоров. Основы общей теории перевода. – М., Изд-во: «Высшая школа», 1968; И.А.Кашкин. О методе и школе художественного перевода // Знамя, 1954; И.А.Кашкин. В борьбе за реалистический перевод // Кашкин И. Для читателя-современника. – М., Изд-во «Советский писатель», 1977; К.И.Чуковский. «Высокое искусство». – М., Изд-во «Искусство», 1964; Л.С.Бархударов. Язык и перевод. – М., Изд-во: «Международные отношения», 1975; Л.С.Бархударов Что нужно знать переводчику? // Тетради переводчика. – Вып.15. – М., Изд-во: «Международные отношения», 1978; В.Н.Комиссаров. Современное переводоведение. Учебное пособие. – М., 2004; Вл.Россельс. Перевод и национальное своеобразие подлинника, в сб. «Вопросы художественного перевода». М., 1955; Г.Гачечеладзе. Художественный перевод и литературные взаимосвязи. – М., Изд-во «Советский писатель», 1972; Я.И.Рецкер. Теория перевода и переводческая практика. – М., Изд-во «Международные отношения», 1974; А.Д.Швейцер. Теория перевода Статус, проблемы, аспекты. – М., Изд-во «Наука», 1988; М.Рыльский. Искусство перевода. Статьи. Заметки. Письма. – М., Изд-во «Советский писатель», 1986; Ю.В.Ванников. Проблемы адекватности перевода Типы адекватности, виды перевода и переводческой деятельности // Текст и перевод. – М., 1988; С.Влахов, С.Флорин. Непереводимое в переводе. М., Изд-во «Международные отношения», 1980; С.Сиддиқ Саҳнада тил // Қизил Ўзбекистон, 1935, 9 март; ... Адабий таржима санъати. Тошкент, ЎзССР. Давлат нашриёти, 1936; Izzat Sulton. Adabiyot nazariyasi. – O'qituvchi: NMU, 2005; Г.Гафурова. Развитие перевода в Узбекистане. – Ташкент: «ФАН», 1973; А.Умаров. 20-йилларда рус адабиётидан қилинган таржималарга доир // Таржима санъати. – Тошкент: «Адабиёт ва санъат нашриёти», 1973; Ғ.Саломов. Тил ва таржима. – Тошкент: «Фан», 1966; ... Адабий санъат ва бадиий таржима. – Тошкент: «Фан», 1980; ...Таржима ташвишлари. – Тошкент: «Адабиёт ва санъат нашриёти», 1983; Саломов, Г. Текст, перевод и термин. – Т.: Изд. ТашГУ, 1989; Г.Т.Саломов. Литературные традиции и проблемы художественного перевода. – Дис...докт. филол. наук. – Ташкент, 1982; Н.В.Владимирова. Развитие узбекской прозы XX века и вопросы художественного перевода. – Ташкент: «Фан», 2011; К.Жўраев. Перевод – искусство. – Т., 1975; Э.Каримов. Развитие реализма в узбекской литературе. – Ташкент: Фан, 1975; С.Э.Камилова. Особенности воссоздания национальной картины мира при переводе современной узбекской прозы на русский язык / С.Э.Камилова // Вестник Московского государственного лингвистического университета: науч.журн. – 2014. – № 695; Камилова С.Э. Қиёсий адабиётшунослик методологияси масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2009. – №6. – 76-80 б.; К.Аззамов. «Своеобразие прозы А.Кадыри и его воссоздание в переводе на русский язык – Дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 1989 и др.

қарамай, бу борадаги кўплаб муаммолар етарли даражада тадқиқ этилмай қолмоқда. Шунингдек, «адекватлик» тушунчаси талқинларидаги турличалик, турли даврларда амалга оширилган таржималарда аслиятдаги миллий ўзига хосликни қайта яратишга муносабатнинг фарқланиши ҳам тадқиқ этилмаган масалалар қаторига киради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Андижон давлат университетининг «Таржимашуносликнинг долзарб масалалари» мавзудаги илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бадий таржиманинг адекватлигини таъминлашда аслиятдаги миллий ўзига хосликни қайта яратишнинг етакчи аҳамияти ва ролини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

аслиятга мувофиқ таржима ва уни баҳолаш меъёрлари ҳақида жаҳон таржимашунослигида мавжуд тасаввурларни умумлаштириш;

бадий асар таржимаси жараёнида матн таҳлилига герменевтик ёндашувнинг ўзига хослиги ва аҳамиятини очиқ бериш;

романнинг рус тилига таржималарида муаллифлар таянган таржима стратегияларини аниқлаш;

романнинг рус тилига таржималарида миллий маданиятнинг ўзига хослигини қайта яратиш масаласини кўриб чиқиш;

бадий асар структурасидаги миллийликни таржимада ифодалаш муаммоларини тадқиқ этиш;

ўзбек адабиёти намуналари жаҳоннинг етакчи тилларига адекват таржима қилиниши учун герменевтик ёндашув асосида тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» романининг жамият тараққиётининг турли ижтимоий-маданий даврларида рус тилига қилинган таржималари олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** таржима адекватлигини таъминлашда миллий ўзига хосликни қайта яратишнинг аҳамияти ва ўрни масаласи ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, шунингдек, герменевтика (матн талқини) тамойиллари ва қиёсий-чоғиштира таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

таржимашуносликнинг адабий ва лингвистик назариялари нуқтаи назардан «адекватлик» ва «адекват таржима» атамалари маъноси аниқлаштирилган, «адекват таржима» ва «таржимада миллий ўзига хосликни қайта яратиш» тушунчаларининг чамбарчас боғлиқлиги асосланган;

«Ўткан кунлар» романи таржималарининг аслиятга мувофиқлиги илмий асосланган ҳолда баҳоланган, биринчи таржиманинг ноадекватлиги унинг ҳукмрон мафкура таъсирида «собик иттифоқ ўқувчиси»га мослаштирилгани натижасида миллийликни қайта яратишга эътиборнинг сусайгани, тағлама

асосида амалга оширилгани учун миллий бўёқларнинг хиралашгани асослаб берилган;

иккинчи таржиманинг ноадекватлигига олиб келган асосий сабаб таржимага «узатувчи» маданият нуқтаи назаридан ёндашилгани, аслиятга содиқликка интилган ҳолда таржима тилининг грамматик ва стилистик меъёрларидан четлашилгани, сўз-реалияларнинг аксарияти транслитерация ёки транскрипция усулида ўгирилгани таржиманинг русийзабон китобхон томонидан қабул қилинишига тўсиқ бўлганлиги аниқланган;

романдаги психологизм унсурлари: аналитик психологизм, психологик тасвирнинг драматургик усули, диалог репликалари, қаршилантириш ва ўхшатиш асосида персонаж руҳиятини акс эттириш ҳолатларини таржимада қайта яратишнинг муҳимлиги ва бунинг миллийлигини қайта яратишдаги аҳамияти очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

«Ўткан кунлар» романини таржима қилишда «узатувчи» маданият эгаларининг ментал хусусиятлари, дини ва дунёқараши билан боғлиқ тафсилотларни таржимада адекват қайта яратишга белгиловчи таржима стратегияси сифатида таяниш зарурати далилланган;

таржима жараёнини «аслият-таглама-таржима» занжири бўйича қиёслаган ҳолда деталлаштириб ўрганиш имконлари кўрсатилган ҳамда таржима жараёнига маслаҳатчи сифатида тарих, этнография, миллий либослар, архитектура, диншунослик ва бошқа соҳалар бўйича мутахассислар жалб қилиниши зарурлиги асосланган;

ўзга тилли китобхон романда акс этган миллий олам манзарасини ёрқин тасаввур этиши учун роман таржимаси изоҳлар блоки билан таъминланиши зарурлиги асосланган, бундай изоҳлар блокани тайёрлашда фойдаланиш учун конкрет тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашувлар, усуллар ва маълумотларнинг илмий ва бадиий манбалардан олинганлиги, қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик усуллардан, герменевтика тамойиллари ва қиёсий-чоғиштира таҳлил усулларидан фойдаланилганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан аниқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистондаги таржима тарихи ва назариясига оид фундаментал илмий ишларда, олий ўқув юртлари талабалари учун бу борадаги дарслик ва қўлланмаларни мукамаллаштиришда қўллашда кўринади. Тадқиқотнинг назарий аҳамиятга молик ўринлари ва алоҳида хулосалари, муаммога илмий ёндашув ва таҳлилда қўлланган тамойиллар ўзбек адабиёти намуналарини дунёнинг бошқа тилларига таржималарини адекват таржима нуқтаи назаридан ўрганишга бағишланган ишларда манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, аввало уларни таржима амалиётида қўллашда кўринади, тадқиқот натижалари ва хулосалари таржима



назарияси, тарихи ва амалиётига оид дарсликлар, луғатларни тўлдириш ва мукамалтиришга хизмат қилади. Роман ва унинг икки таржимасини қиёсий таҳлил қилиш натижаларидан таржима назарияси бўйича махсус курсни ишлаб чиқишда ва таржима ишлари бўйича қўлланма тузишда фойдаланиш мумкин. Тадқиқот давомида олинган натижалар миллий истиқлол ғояларини сингдиришда, баркамол шахс тарбиясида, хусусан, миллий маданият ва кадриятларга, Она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишларига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Аслиятдаги миллий колоритни рус тилида қайта яратиш ва адекватлик даражасини қиёсий чоғиштирма ўрганиш бўйича олинган натижалар қуйидаги ишларда жорийланган:

миллий олам манзараларини рус тили воситалари билан қайта яратиш бўйича илмий назарий хулосалар «Абдулла Қодирий қомусларини яратиш» мавзусидаги ФА-Ф1-Г039 рақамли тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (ЎЗР Фанлар Академиясининг 2019 йил 6 мартдаги 3/1255-628-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижаларидан фойдаланиш лойиҳа доирасида тайёрланган «Қодирий энциклопедияси» материалларини бойитишга хизмат қилган;

диссертация материаллари ва натижалари, шунингдек, Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» романининг рус тилига таржималари адекватлигининг илмий асосланган баҳоси, даврнинг ижтимоий-маданий шарт-шароитларига хос хусусиятлар, бадиий таржимага қўйиладиган талаблар ва уларнинг жаҳон ҳамжамиятидаги аҳамияти ўзгаришига оид хулосалардан «Ўзбекистон» телеканалда эфирга узатилган «Ибратга йўғрилган умр» ва «Тилга эътибор» кўрсатувларининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 24 майдаги 20-24/93-сон маълумотномаси). Натижалар ва материаллардан фойдаланилиши ўзга тилли маданият вакиллариининг бадиий матнни баҳолашларида таржиманинг аҳамиятини кўрсатишга хизмат қилган. Тадқиқот натижаларидан фойдаланиш қўлланманинг назарий материалларини бойитишга хизмат қилган;

тадқиқот натижалари мутахассислик фанлари («Қиёсий адабиётшунослик», «Адабиёт назарияси», «Ўзбек адабиёти тарихи», «Қиёсий типология») бўйича ахборот-коммуникатив технологиялар асосида яратилган дарсликлар материалларини тайёрлашда фойдаланилган ҳамда улар Тожикистон Республикаси Бобожон Ғафуров номидаги Хўжанд давлат университети ўқув жараёнига татбиқ этилиш билан бирга университет электрон ўқув ресурслари базасини бойитган (Тожикистон Республикаси Таълим ва фан вазирлигининг 2019 йил 29 августдаги 01/5124-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларидан фойдаланиш ўқув материалларининг бойитилишига ҳамда мазкур фанлар бўйича таълим сифати ва самарадорлигини, талабалар билимини оширишга имкон берган;

лингвистик ва адабиётшуносликка оид таржима назариялари нуқтаи назаридан «адекватлик» ва адекват таржима тушунчаларининг аҳамиятини

кўрсатадиган хулосалар, миллий маданият белгиларини асарнинг рус тилига таржималарида қайта яратиш масаласига доир илмий натижалар «Қиёсий адабиётшунослик» ўқув қўлланмасининг алоҳида бўлимини тайёрлашда қўлланган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 июлдаги 89-03-2684-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижаларидан фойдаланиш қўлланманинг назарий материалларини бойитишга хизмат қилган.

тадқиқотда бадиий асар таржимасининг адекватлигини таъминлашда аслиятнинг миллий ўзига хослигини қайта яратишнинг аҳамияти юзасидан олинган натижалар Ўзбекистон Рус маданияти марказининг Андижон вилоят бўлими ҳамда Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан ташкил қилинган вилоят рус тили ўқитувчилари Илмий-услубий кенгашининг «Халқаро дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашда бадиий таржиманинг ўрни» мавзусидаги илмий семинарини ўтказишда қўлланган (Ўзбекистон Рус маданияти марказининг 2019 йил 17 сентябрдаги 02-177-сон маълумотномаси). Диссертация материалларининг қўлланиши миллатлараро муносабатларнинг келажаги ва уйғун ривожланишига бағишланган илмий тадқиқотларни ташкил этишни янада мукаммалаштиришга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та илмий-назарий ҳамда илмий-амалий конференцияда, шу жумладан, 3 та халқаро ва 5 та республика анжуманида маъруза шаклида баён қилинган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (6 таси республика журналларида, 1 таси хорижий журналда) нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқотнинг ҳажми 156 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида бажарилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, ишнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, мавзунинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилиб, натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши, эълон қилинган ишлар, ишнинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адекватлик муаммоси ва бадиий таржимада герменевтик ёндашув**» номланган биринчи боби назарий масалалар таҳлиliga бағишланган. Бобнинг «Бадиий таржима адекватлиги ва бадиий асарнинг миллий ўзига хослиги» номли биринчи фаслида таржиманинг адекватлиги,

ишончлилиги ва тўлақонлилиги тушунчалари таҳлил қилинган. «Адекватлик» тушунчасининг турли талқинларидаги муайян фарқларга қарамай, барча концепциялар учун умумий бўлган хусусият коммуникатив функция ва ва аслиятни сақлаб қолиш талаби ҳисобланади. Бундан ташқари, коммуникатив мақсад, аслият матнининг прагматик установкаси устувор ҳисобланиб, унинг сақланиши/қайта яратилиши учун шаклнинг ўзгартирилишига йўл қўйилади. Таржимада асл нусханинг хусусиятларини сақлаб қолиш масаласи эркин ва сўзма-сўз таржимага оид баҳсда катта аҳамият касб этган.

Таржима сифати борасидаги баҳслар қадим замонлардан бери мавжуд бўлиб, уларда «қандай таржима қилиш керак?» деган савол қўйилганки, таржима сифатига эмас, таржима усулига кўпроқ урғу берилган. Зеро, тўлақонли (адекват) таржима учун аслият матнини тўлақонли тушуниш тақозо этилади. Бошқача айтганда, таржимондан нафақат «филолог-олим», балки кенг маънодаги олим – тарихчи, этнограф, маданиятшунос, диншунос бўлиш талаб этилади. Бу айниқса давр нуқтаи назаридан ҳам китобхондан, ҳам таржимондан мазмун-моҳияти узоқлашаётган тарихий асарлар таржимасида алоҳида аҳамият касб этади. Бу ҳол таржимага герменевтик ёндашувни долзарб қилиб қўяди.

Биринчи бобнинг иккинчи фаслида «Матн таҳлиliga герменевтик ёндашув ва унинг бадий таржима жараёнидаги аҳамияти» тадқиқ этилган. Мутахассислар томонидан таржимада герменевтик ёндашувдан фойдаланиш масаласига катта эътибор қаратилган<sup>3</sup>. «Герменевтика» кенг маънода матнларни талқин этиш санъатини англатади. Герменевтик ёндашувда «адекватлик» атамаси муҳим ўрин тутди. Таржима жараёнининг ўзи «адекватлик» тушунчаси ёрдамида тушунтирилади: «Таржима қилиш – ўзга тил воситалари орқали адекват қайта яратиш, мазмун ва шаклнинг ўзаро алоқасини ҳисобга олган ҳолда қайта тиклашни англатади». Таржиманинг мураккаблиги матндаги алоҳида сўзга диққат қаратган ҳолда кўплаб алоҳида бирликлардан яхлитликни олишнинг иложи йўқлиги билан ҳам боғлиқ. Муаллиф айтмоқчи бўлганини тушуниш ва бу фикрни таржимада ифода этиш таржимоннинг вазифасига киради. Таржима жараёнида «муаллиф–таржимон–ўқувчи» муносабат занжиридаги ҳар учала ҳалқа ҳам бирдек аҳамиятлидир. Уларнинг ҳар бирида коммуникатив салоҳият (ҳам лингвистик, ҳам экстралингвистик) бошқалариникига мос бўлиши муваффақиятли таржима учун муҳимдир. Бунда таржимоннинг муаллиф коммуникатив салоҳиятига яқинлаша олиши, ўз навбатида ўқувчининг ҳам коммуникатив салоҳиятини зарур даражага

<sup>3</sup> Артамонова Ю.Д., Кузнецов В.Г. Герменевтический аспект языка СМИ // Язык средств массовой информации / под ред. М.Н. Володиной. М.: Академический Проект: Альма Матер, 2008. – С.99-117. Карасик В.И. Комментарий как жанр герменевтического дискурса // Язык, коммуникация и социальная среда: сб. науч. тр. Вып. 7. Воронеж, 2009. С. 32-47. Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. М.: ЭТС, 2002. – 424 с. Модебадзе 2012: И. Модебадзе, Свобода и необходимость: понимание и интерпретация в переводе, «Literary Researches», XXXIII, 2012. – С.153-171. Модебадзе 2014: И. Модебадзе, Культурная глобализация и функция перевода: теория и практика, in: VIII International Symposium «Contemporary Issues of Literary Criticism». National Literatures and the Process of Cultural Globalization». Proceedings, II, Tbilisi 2014, pp. 500-514. Модебадзе, Цицишвили 2008: И. Модебадзе, Т. Цицишвили, Из истории теоретического осмысления художественного перевода в Грузии, в: Русский язык в начале XXI века. Проблемы развития, функционирования, преподавания. Материалы международной научной конференции, Печс 2008. – С.116-121. Швейцер 1988: А. Швейцер, Теория перевода (статус, проблемы, аспекты), М. 1988, см. <[http://www.gumer.info/bibliotek\\_Buks/Linguist/shveyz/](http://www.gumer.info/bibliotek_Buks/Linguist/shveyz/)>.

кўтаришга ҳаракат қилиши айниқса муҳимдир. Ўқувчининг нолисоний компетенциясига, маълумот қабул қилувчининг лингвоэтик билимларига диққат қаратиш зарурки, улар етарли даражада бўлгандагина ўқувчи ўқилган нарсани баҳолай олади. Бундай даражани кутиш мумкин бўлмаган ҳолларда шарҳлар ёки матнга иловалар кўринишидаги қўшимча маълумотлар ёрдамида ана шундай компетенцияни ҳосил қилиш керак бўлади.

Мулоқот иштирокчилари – муаллиф-таржимон-ўқувчининг компетенциялари даражасидаги фарқларни бартараф қилиш таржиманинг муҳим герменевтик муаммоларидан саналади. Бунинг учун таржимондан матннинг ошкор мазмуни билан бирга унинг яширин унсурларини ҳам юзага чиқариш талаб этилади. Мазкур яширин унсурларни ўгириш учун таржимонга хусусий-герменевтик, таржимавий-герменевтик ва ассоциатив-герменевтик каби амалий воситалар ёрдам беради. Хусусий-герменевтик воситаларига таржимон шарҳи тааллуқли бўлиб, аслият мазмуни реализациясида адекватлик ва муқобилликка эришиш даражаси шарҳнинг аниқлиги ва тўлиқлигига боғлиқ бўлади. Таржимавий-герменевтик воситалар сирасига экспликация-трансформация усулидаги таржима киритилади, уни кўллаган таржимон аслиятдаги лексик бирлик ёки матннинг бир қисмини ўз ихтиёридаги таржима тили воситалари ёрдамида тушунтиради. Ассоциатив-герменевтик воситаларга таржимадаги ўзгартиришлар киритиладики, улар реципиентда ҳодиса билан боғлиқ муаллиф назарда тутган зарур ассоциацияларни шакллантиришга хизмат қилади. Бундай ўзгартиришларга тўлдиришлар ва аниқлаштиришларни киритиш мумкин. Таржима амалиётида аслиятдаги маълумотни ўгиришнинг турлича усул ва воситаларидан фойдаланиш герменевтик ёндашувда муҳим роль ўйнайдигани, бу, айниқса, тарихий контекстидан қарийб узоқлашган ва миллий, этник хусусиятлари ёрқин акс этган бадиий асарлар таржимаси ҳақида гап кетганида алоҳида аҳамият касб этади. Бунга мисоллардан бири Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романидир.

Биринчи бобнинг учинчи фаслида «Ўткан кунлар» романининг рус тилига таржималарида адекватлик масаласи» кўриб чиқилган. «Ўткан кунлар» романининг рус тилига турли йилларда амалга оширилган икки таржимаси мамлакатимиз тарихининг турли даврлари, турлича ижтимоий-сиёсий шарт-шароитларида юзага келган таржима стратегияларини ўзида акс эттирган. Ўша йилларда миллий адабиётлардан таржималар аксарият рус тилида амалга оширилди; бу асарларнинг Иттифокдаги бошқа халқлар тилларига таржимаси матннинг русча таржимаси асосида амалга оширилди. Натижада «қабилаларнинг индивидуал хусусиятлари»ни сақлаш принциpidан «ягона социалистик маданият» томон четлашиш муқаррар бўлиб қолди.

Кашкин фикрига кўра, таржиманинг «реалистик усул»ида таржимоннинг икки «ҳуқуқи» бузилади, улардан бири – «аслиятни замондош кўзи билан ўқиш», иккинчиси – «барчаси нафақат ривожланишда олиниши, балки йўналтирилган, инқилобий ривожланишда олинишидир»<sup>4</sup>. «Инқилобий

---

<sup>4</sup> Кашкин И. В борьбе за реалистический перевод // Кашкин И. Для читателя – современника. – М.: Советский писатель. – 1977. – С.480

ривожланиш»ни акс эттирмайдиган барча нарсаларни чиқариб юбориб, аслиятни «тўғрилаш» таржимоннинг ҳуқуқи деб эълон қилинади. Кўринадики, бу биринчи навбатда миллий руҳ билан суғорилган асарларга тааллуқли, зеро, совет тузуми учун миллий чегараларни йўқотиш ягона ҳамжамият – «совет халқи»ни яратишдан кам аҳамият касб этмаган.

«Ўткан кунлар» романининг биринчи таржимаси амалга оширилган 1958 йилда мамлакатдаги таржима амалиёти ва назарияси борасидаги ишларнинг умумий ҳолати ана шундай эди. Бу ҳол табиий равишда ҳам таржима сифатига, ҳам унда миллийликни қайта яратишга таъсир кўрсатди. Тадқиқотчилар романнинг биринчи таржимасидаги ачинарли йўқотишлар ва камчиликларни қайд этган ҳолда адекватлик муаммосини кўп марта таъкидлаганлар. Бироқ ҳозиргача ҳеч ким романнинг айнан шундай таржимасини юзага келтирган объектив сабаблар ҳақида фикрлаб кўришга ҳаракат қилмади. Бу ўринда биз улардан айримларини, назаримизда, бир қадар муҳим бўлганларини келтириб ўтамиз. Бу – романнинг тарихий тақдири. 1937 йилда Абдулла Қодирий «халқ душмани» сифатида ҳибсга олинган, «Ўткан кунлар» романи тақиқланган рўйхатга тушди. 1956 йилда – Абдулла Қодирий ўлимидан кейин реабилитация қилинган эди, шундан кейин ёзувчи асарларининг «реабилитацияси» масаласи кўйилди. Романнинг янги наشري Иззат Султоннинг кириш мақоласи билан чоп этилди, мақолада ёзувчининг «мафкуравий хатолари» қайд этилган эди ва унинг «жамият ва унинг тараққиёт қонунлари ҳақида марксча-ленинча таълимотни чуқур ўзлаштиришга улгурмаганлиги» таъкидланган». Роман матни – 1958 йил наشري – жиддий тузатишлар билан чоп этилдики, бу ҳол 50-йилларнинг охиридаги шароитда романга бир қадар мақбул кўриниш берди ҳамда у ишқий-маиший роман сифатида тақдим этилди. Унда ёрқин акс этган миллий-тарихий проблематика хиралаштирилди, унга боғлиқ нимаики бўлса, матндан барчаси олиб ташланди. Бу ҳол ўз навбатида романнинг биринчи таржимасида унинг ҳақиқий мазмуни йўққа чиқарилиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Романнинг бир вақтда ўзбек ва рус тилларида чоп этилишига алоҳида эътибор қаратилди. Ноширлар ошқора ҳимояланиш истаги билан ҳаракат қилганлар. Русча таржиманинг титул варағида кўйилган махсус қайд ҳам хавфсизлик кафолати бўлиб хизмат қилган: «Романнинг рус тилига таржимаси ўзбекча матн муҳаррири Рустам Комилов томонидан тасдиқланди». Ушбу қайд таржиманинг мафкуравий жиҳатдан «тўғриланган» матнига тўла мос келишини тасдиқлайди. Таржима ва унинг наشري 1959 йил 14–24 февраль кунлари Москвада бўлиб ўтган ЎзССР санъати ва адабиёти Декадасига бағишланган.

Маданий ва ижтимоий-сиёсий омиллар қаторида соф ижодий омил ҳам мавжуд эди. Роман таржимаси тағламалар бўйича амалга оширилди: на Л.Бать, на В.Смирнова ўзбек тилини билмасди. Ҳозирча «Ўткан кунлар»нинг тағлама таржимасини ким тайёрлаганлигини аниқлашнинг имкони бўлмади. Таржимонларнинг ёзишмаларидан маълум бўлишича, тағламанинг икки варианты мавжуд бўлган, улардан бири Л.Бать архивида ҳозиргача сақланаётган

бўлиши мумкин<sup>5</sup>. «Ўткан кунлар» таржимаси жараёнини «аслият-таглама-таржима» занжири бўйича қиёслаган ҳолда деталлаштириб ўрганиш имкони бой берилмаган. Мазкур омилларнинг барчаси биринчи таржима аслиятга мос келмаганлигини, марксча-ленинча таълимотга қатъий ишонган оммавий совет китобхонига мослаштирилганини тасдиқлайди. Натижада таржимада романнинг бой миллий мазмуни эътиборсиз қолдирилган.

Романнинг иккинчи таржимаси юзага келган пайтда мамлакатдаги вазият ҳам ва мамлакатнинг ўзи ҳам буткул ўзгарган эди. Шунга кўра, «Ўткан кунлар»нинг иккинчи таржимаси биринчи таржимадан кескин фарқланиши ажабланарли эмас. 60-йиллардан бошлаб «Ўткан кунлар» ишқий-маиший, саргузашт роман сифатида қабул қилинган, бироқ 80-йиллар охирида у миллий-тарихий проблематикага эга асар сифатида қабул қилинадиган бўлди, Абдулла Қодирий эса ўзбек насрининг классиги сифатида эътироф этилган эди. 80-йиллар охиридан роман ўзбек адабиётининг буюк намунаси, бадиий етук асар сифатида тақдим қилинди. Агар биринчи таржима жараёнида таржимонлар ўзларини муаллифни «тузатиш»га ҳақли деб ҳис қилган бўлсалар, иккинчи таржимада муаллиф сўзига қатъий риоя қилиш кузатилади: аслиятга содиқлик принципи устуворлик қилади. Афсуски, бу икки таржима Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романида яратилган воқеликнинг миллий ўзига хослигини етарли даражада акс эттириб бера олмаган.

Ўзбекистон асрлар оралиғида мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятига кирди. Миллатнинг мустақил мавжудлиги, унинг маданияти, тилига нисбатан таҳдидларга қарши туришда намоён бўладиган миллий ўз-ўзини англаш, миллий ўзига хосликни сақлаш муаммоси долзарблашди.

Романда акс этган миллий олам манзарасини қайта яратиш заруратини англаш, яъни романи, у аслида қандай бўлса, шундайлигича русийзабон китобхонга тақдим этиш, таржимонни бу ишга ундаган асосий ижтимоий ва ижодий омиллар эди. Бироқ романнинг иккинчи таржимаси ҳам кўп жиҳатдан тузатишларга муҳтож бўлиб, миллий анъаналар, муносабатлар ва характерларнинг ўзига хослигини матнда акс эттирган кўплаб тафсилотлар таржимада қайта яратилмаган, улар ё тушириб қолдирилган, ёки нотўғри тушунилган.

«Ўткан кунлар» романини ва жаҳон маданий майдонида ўзбек халқининг қиёфаси бўлишга арзийдиган бошқа шу каби етук асарларни тўлақонли таржима қилиш фақат адабиётшунослардангина жиддий ва машаққатли меҳнатни талаб қилиб қолмайди. Таржима жараёнига маслаҳатчи сифатида тарих, этнография, миллий либослар, архитектура, диншунослик ва бошқа соҳалар бўйича мутахассислар ҳам жалб қилиниши керак. Ўзгатилли китобхоннинг романи қабул қилишини енгиллатиш учун асар таржимаси изоҳлар блоки билан нашр этилиши керак, бу асарда акс этган миллий олам манзарасининг ёрқин тасаввур этилишига кўмаклашади.

---

<sup>5</sup> Переписка Секретаря Правления СП Узбекистана А.Удалова. Москва. 12 ноября 1957г.

Ўзбек халқининг миллий ўзига хослигини ёрқин намойиш этадиган адабиётимизни оммалаштириш, унга нисбатан дунёнинг ўзга тилли китобхонларда жонли қизиқиш ва хайрихоҳлик уйғотишга йўналтирилган чуқур ўйланган ва узоқ муддатга мўлжалланган истиқболли дастур яратилиши лозим.

Диссертациянинг «**Миллий маданиятнинг ўзига хослиги ва уни таржимада қайта яратиш**» номли иккинчи боби ҳам уч фаслдан иборат, унинг биринчи фасли «Маиший реалиялар таржима объекти сифатида» деб номланган. Ҳар бир халқ турмуш тарзи асрлар мобайнида шаклланган бўлиб, у муайян миллий муҳитда ҳаракатланаётган адабий қаҳрамонлар ҳаётига алоқадор барча нарсаларни – тил, дунёқараш, этикет, ахлоқ, урф-одатлар, кийим-кечак, уй-рўзғор буюмларини ўз ичига олади. Маданиятлараро муносабатлар тизимида бирлаштирувчи ҳалқага айланиш учун бадиий таржима аслиятдаги оламни етарли даражада акс эттиришга интилиши зарур. Мазкур фаслда романда қўлланган маиший реалияларни акс эттиришнинг ўзига хослиги рус тилига қилинган ҳар икки таржима мисолида кўриб чиқилган.

Романнинг дастлабки саҳналаридаёқ конкрет маиший реалия – «танча» қўлланган. Таъкидлаш керакки, романда бир неча бор қўлланган бу сўз иккала таржимада ҳам унинг кўпроқ оммалашган синоними – «сандал» билан алмаштирилган. Бунинг устига, ҳар икки таржимада ҳам ушбу реалияни тўғри беришнинг уддасидан чиқилмаган. Биринчидан, бу ҳол гапнинг грамматик ва мазмуний тузилишидаги сезиларли ўзгаришларда кўринади. Буни қиёслашлар орқали кўриб чиқамиз:

«Отабек меҳмонларни танчага ўтқузиб, фотиҳадан сўнг Ҳасаналидан сўради».

«... после того как гости сели у сандала и была прочитана фатиха, Атабек обратился к старику» (биринчи таржима)\*.

«Атабек усадил гостей к сандалу и после краткой молитвы обратился к Хасанали» (ИТ).

«Сандал» сўзига қўшилганида, рус тилидаги на «у», на «к» предлоги «танчага ўтқузмок» маъносини англатормайди. Яқин ўтмишда қиш кунларида ўзбек хонадонларида кишилар сандал устига ёпилган кўрпага оёқ сукиб, «сандал атрофида» ўтирганлар. Бошқача айтганда, «танча» бир вақтнинг ўзида стол ва печка вазифасини бажарган. Иккала таржимада «сандал» сўзига матности изоҳи берилган, бироқ у ё нотўлиқ (первый перевод), ёки кечроқ берилган (ИТ).

Тўлиқ изоҳ берган ҳолда куйидагилар кўрсатилиши керак: 1) илгариги вақтларда ўзбек хонадонларида иситиш тизими бўлмаган ва сандал ягона иссиқлик манбаи бўлган; 2) сандал (а) хона полидаги кўмир солинадиган махсус чуқурча, (б) паст, тирсакдан баландроқ стол, (в) стол устига солинадиган ва ҳар томонидан тахминан бир метрлар атрофида тушиб турадиган, махсус бичилиб, пахта солинган одеялдан иборат бўлади; 3) қишда

\* Кейинги ўринларда БТ – биринчи таржима, ИТ – иккинчи таржима.

уй эгалари одеял ёпилган стол остига оёқларини сукиб, сандал атрофида ўтиришади, оёқни иситиш билан қиш совуғидан сақланадилар.

Соғлом мантиқ талабига кўра, айтини бир асарнинг ҳар бир таржимаси ўзидан аввалги таржималардаги хатоларни бартараф этиши керак. Бироқ, афсуски, «Ўткан кунлар» таржимасининг иккинчи таржимасида мазкур принципга ҳамиша ҳам амал қилинмаган. Ушбу фаслда маиший турмуш ва кундалик ҳаёт тафсилотлари билан боғлиқ муаммолар ҳар иккала таржима мисолида кўриб чиқилган.

Масалан, «дастурхон ёзмок» («разостлатъ скатерть») сўз бирикмаси аслият китобхонига Ҳасанали шунчаки «дастурхонни ёзган»лигини («расстелил дастархан») эмас, балки «дастурхон тузаган»лигини («накрыл стол») ҳам англатади. Шунингдек, «қумғон киргизди» («внес кумган») сўз бирикмаси қумғон бўш эмаслигини, унга чой дамланганлигини билдиради. Ҳар икки таржимада ҳам бу маънолар тушиб қолган.

Маълумки, реалияларни таржимада қайта яратиш усуллари «тавсифли таржима, аниқ таржима, аналогларни танлаш, транскрипция, транслитерация»<sup>6</sup>га ажратилади. Кўп ҳолларда аналогларни танлаш мақсадга эришилгани ҳақида ёлғон тасаввур уйғотади. Меҳнат қуроли бўлган *тешанинг* таржимада *кирка* деб берилишида ана шундай ҳолат юзага келган. Кийим-кечак ҳам маиший турмушнинг муҳим деталларидан саналиб, персонаж ҳақидаги, асарда тасвирланган воқеаларнинг вақти ва жойи ҳақидаги муайян информацияни ўз ичига олади.

«Ўткан кунлар» романида қаҳрамонларнинг ижтимоий мақоми, шахсий хусусиятларини тавсифлаш учун уларнинг ташқи қиёфаси, кийим-кечаги тасвирига алоҳида эътибор қаратилган. Ишда Мирзакарим қутидор («кунья шуба») ва Офтоб ойим («гуппи», «дакана») кийими деталларининг таржимасидаги муаммолар кўриб чиқилган.

Анъанага кўра, ўзбек ҳовли-хонадонлари «ташқари» ва «ичкари», яъни эркаклар ва аёлларга тегишли қисмларга бўлинган. Юриш-туриш, маиший ва хўжалик ишлари шундай режалаштирилганки, «ичкари» дахлсиз қолдирилган – унга бегона эркаклар («номаҳрам»)нинг кириши қатъий манъ этилган. Уй-жойни бундай тартибда қуриш кўшимча харажатларни талаб қиладики, натижада бундай тартибда қурилган («ички-ташқили») уйларда яшашга ҳамманинг ҳам қурби етмаган. Қутидор уйининг тафсилотлар билан тасвирланиши нафақат унинг мақомини таъкидлайди, балки романнинг муҳим саҳнаси – асосий қаҳрамонларнинг илк учрашуви ва унинг ақл бовар қилмас «тасодифий»лигини тўғри тушунишга ҳам ёрдам беради. Ўзбек хонадонлари тузилиши билан боғлиқ тафсилотларнинг таржимада нотўғри берилганлиги романнинг энг ажойиб хусусиятини – асосий сюжет чизиғидаги тугуннинг бетакрорлигини йўққа чиқарган.

Иккинчи бобнинг иккинчи фаслида «Миллий дунёқараш ва менталитет унсурларини таржима қилиш муаммолари» ўрганилган. Аслият тили

<sup>6</sup> Влахов С. Флорин С. Непереводимое в переводе. – М.: Международные отношения, 1980. – С.131



эгаларининг ментал хусусиятлари, дини ва дунёқараши билан боғлиқ тафсилотлар таржима учун энг кўп мураккабликларни юзага келтиради.

Маълумки, миллат менталитети унинг эътиқодлари билан белгиланади. Шунга кўра, ислом соҳасида муайян маълумотга эга бўлмай туриб ўзбек адабиётини тушуниш рус адабиётини насронийлик анъаналаридан айро англашга уриниш каби имконсиздир.

Ушбу фаслда романнинг мусулмон дунёқарашига алоқадор бир неча тафсилотлари кўриб чиқилган, уларнинг маъносини таржималарда адекват қайта яратишга эришилмаган. Бу энг аввало «миллат – халқ – мусулмон» сўзларининг маънолари билан боғлиқ. «Миллат» сўзи ҳозирги маънодаги «миллат» («нация») маъносида тушунилмаган, Иброҳим пайғамбар (Авраам)нинг қавми, кейинроқ мусулмонлар тушунилган.

Бу муаммо этномаданий шарҳ ёрдамида ҳал қилиниши мумкин. Шунингдек, барча томонни руҳонийлаштирувчи («руҳоният ёғдириб») азонга нисбатан чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлиш, Қуръон тиловатининг таскин берувчи кучи («взять себя в руки»), Қуръонга алоқадор унсурлардан бадий восита сифатида фойдаланиш («Бир неча қалдирғоч Салорнинг оқиши бўйлаб учар ва учкан кўйи «валфажри» ўқур эдилар») кабилар таржимада бой берилганлиги кўриб чиқилган.

Мусулмон эътиқоди билан боғлиқ тафсилотлар аслиятининг ўгириш қийин унсурлари қаторига кириши шубҳасиз. Уларнинг аксарияти диний мазмундаги анъанавий маросимлар билан алоқадор бўлиб, улар ҳақида маълумотга эга бўлмаган китобхон учун тушунарсиз бўлиб қолади. Таржимонлар бу каби кўплаб тафсилотларни таржима қилолмаганлари учун ҳам тушириб қолдиришган. Кумуш томонидан марҳум бувиси руҳига бағишлаб ўқилган Қуръон (хатим), шунингдек, Ҳасанали келганини пайқаб, Зиё шоҳичи намознинг фақат фарзларини ўқиб яқунлаши ана шундай тушириб қолдирилган ўринлардандир. Диссертацияда фотиҳа сўзининг таржималарда акс этмай қолган маъно қирраларига, Қуръон ва ҳадислардан келтирилган цитаталарга алоҳида диққат қаратилган.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, бадий таржимада диалогларни ўгиришга янада эътиборлироқ бўлиш талаб қилинади: репликанинг ўзини таржима қилишдаги адекватлик етарли эмас, таржима ўқувчиси уларни яхши англаши учун контекстуал алоқаларни ҳам қайта яратилиши талаб қилинади. Контекстнинг миллий-тарихий, маданий жиҳатлари мавжудки, таржимондан кўп қиррали билимга эга бўлишни, ўз ишига ижодий изланувчанлик билан ёндашишни талаб қилади.

Иккинчи бобнинг учинчи фаслида «Миллий урф-одатлар, маросимлар ва уларни таржимада қайта яратиш муаммолари» ўрганилган. Миллий онгнинг муҳим хусусиятлари, дунёқарашнинг ўзига хослиги, халққа хос бўлган ҳаётий қарашлар ва тамойиллар, унинг тарихий ва ижтимоий тараққиётидаги белгилар маросимлар ва урф-одатларда ёрқин намоён бўлади. «Ўткан кунлар»да тўй маросимлари батафсил ёритилган, дафн маросимининг айрим тафсилотлари эслатиб ўтилган. У ёки бу тафсилотнинг маросимга хос табиатини тушуниш ва

